

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### НАТИЖАЛАР ВА КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир қўмита ва унинг ҳудудий органларининг 2009 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти якунлари ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишни жадаллаштиришга доир вазифалар ижросига бағишланди.**

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан зарар кўриб ишлаётган корхоналар, аввало, энгил ва озиқ-овқат sanoati корхоналарининг аҳволи таҳлил қилинди. Бунинг натижасида 228 та иқтисодий ночор корхона аниқланди. Мулкни янги мулкдорлар ва тижорат банкларига ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш ва тиклаш учун инвестициялар киритиш шарти билан сотиш орқали ушбу корхоналар банкротлиги тадбирларини ўтказиш чоралари кўрилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва янада ривожлантириш механизмларини яратиш, молиявий юкни камайтириш, ушбу соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ва уларнинг хом ашё ҳамда материаллардан кенг фойдаланиши учун шароит яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ҳукуматимизнинг қатор қарорларига мувофиқ гигиеник сертификат бериш бўйича хизматлар нархи 2-3 бараварга, рекламаларни жойлаштириш хизматлари нархи 30-50 фоизга, қишлоқ жойларда эса 50-100 фоизга, шунингдек, кадастр хизматлари, стандартлаштириш, сертификатлаш ва бошқа хизматлар нархи пасайтирилди. Шу муносабат билан йиғилишда қўмитанинг ҳудудий бошқарма-

лари бошлиқлари томонидан жойларда тегишли тадбирларни ўтказишни қатъий назорат қилиш зарурлиги қайд этилди.

Ўтган давр мобайнида қонуний ва меъёрий ҳужжатларнинг 135 та лойиҳаси экспертизадан ўтказилди. 2008 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 77 тани ташкил этган эди. Инвентаризация доирасида ҳоқимиятларнинг 69 минг 691 та қарори ўрганилди ва бу ҳам ўтган йилги кўрсаткичдан ортқидир. Улардан 192 тасини қабул қилишда, жумладан, 134 ҳолатда тадбиркорлар ҳуқуқларини камситувчи қонунбузарликка йўл қўйилгани аниқланди.

Йиғилишда қўмита ва унинг ҳудудий органларининг 2009 йил биринчи ярим йиллигидаги ишларининг ижобий натижалари билан бир қаторда айрим камчиликларга йўл қўйилгани ҳам қайд этилди. Хусусан, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш чоралари етарлича амалга оширилмаётгани таъкидланди. Масалан, Тошкент, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бундай корхоналар сони сезиларли равишда кўпайган. Банкротлик ҳолатини қайд этиш пайсалга солинаётгани ҳақида далиллар мавжуд. Шунингдек, суд бошқарувчиларининг масъулияти ва уларнинг малакасига нисбатан талабларни ошириш, тадбирларнинг календарь режасига риоя қилиш, кредит берувчилар талаблари

реестрини доимий равишда таҳлил қилиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Банкрот корхоналарни тугатишда аниқланган камчиликлар юзасидан қўмитанинг Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳудудий бошқармалари фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Йиғилишда Давлат реестрига транспорт терминаллари хизматларини кўрсатиш соҳасида иш олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий монополиялар субъектларини киритиш тартиби тўғрисидаги маъруза тинланди. Ушбу реестрни шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга уларнинг ҳудудларида кўрсатилаётган транспорт терминаллари янги ишлари ва хизматлари рўйхати киритилди. Эксперт кенгаши томонидан қўмита мутахассисларининг хўжалик юритувчи субъектлар ва терминаллар вакиллари билан ўтказилган учрашувлари натижалари бўйича тегишли тавсиялар тайёрланди.

Шунингдек, йиғилишда қўмита ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш марказининг биринчи ярим йиллигидаги фаолияти хусусидаги ҳисобот тинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатни ривожлантириш бўйича илгари сурилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳайъати 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун аниқ вазифаларни белгилади. Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишларини кучайтириш ва коммунал хўжаликда ислохотларни янада чуқурлаштиришни таъминлаш муддатлари белгиланди.

ЎЗА.

### ТРЕНЕРЛАР УЧУН ТРЕНИНГ

**20-24 июлда «Ўқув модуллари ва дастурларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўқув маркази тингловчиларининг билимлари мониторинги ва баҳоланиши» тренинги бўлиб ўтди, уни ўз миссияси доирасида халқаро маслаҳатчи Жозна Симпсон хоним (Австралия) ўтказди. Унинг ташрифи Молия вазирлиги ва БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилиш» қўшма лойиҳаси томонидан ташкил қилинди.**

Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган 2008-2018 йилларда давлат молиясини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш стратегияси давлат бюджетини газначилик асосида ижро этишга ўтишни, давлат секторидида бюджет ҳисобининг янги тизимини жорий этишни, самарага йўналтирилган ўртача муддатли бюджет стратегияси ва

бюджетлаш услубиятини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни, давлат молия органларини комплекс электронлаштиришни назарда тутди.

Ислоҳ қилиш дастурини амалга ошириш давлат органлари хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Шу муносабат билан БМТДнинг «Ўзбекистонда давлат молиясини ислоҳ қилиш» лойиҳаси Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази ходимлари ҳамда ўқитувчиларининг салоҳияти ва малакасини оширишга ёрдам кўрсатмоқда. Мазкур ташаббусни рўёбга чиқариш учун халқаро экспертлар ҳам жалб этилмоқда.

Симпсон хоним ўқув маркази томонидан ўқув модуллари ва дастурлари ишлаб чиқилиши билан танишди, уларни такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича тавсиялар берди. У ўқув модулларини тузиш, назорат қилиш ва тингловчиларнинг билимларини баҳолаш учун саволлар ҳамда тестлар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимини жорий этиш бўйича ўқув тренинглари ҳам ўтказди. Марказ раҳбарияти Симпсон хоним билан биргаликда уни ривожлантириш истиқболларини, ўқитиш сифатини бошқариш самарадорлигини ошириш ва унга эҳтиёжларни аниқлаш зарурлиги масалаларини муҳокама қилди. Сўз ўқув марказининг турдош ташкилотлар билан ҳамкорлигини ва улар билан тажриба айирбошлашни ташкил этишга ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳам борди.

[www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz) сайтида тренинг материаллари билан танишиш ва қўшимча ахборот олиш мумкин.



### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

#### БИТИМЛАР ТУЗИЛДИ

Президентнинг 2009 йил 10 июлдаги ПҚ-1156-сон қарори билан Ўзбекистон ва Бразилия ҳукуматлари ўртасида тузилган иқтисодиёт ва савдо соҳасида ҳамкорлик тўғрисида; техникавий ҳамкорлик тўғрисида; қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида; дипломатик паспорт эгаларини визалардан озод қилиш тўғрисидаги битимлар ва бошқа халқаро шартномалар тасдиқланди.

#### ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари (хизматлар)нинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни тартибга солиш тўғрисида» қарори (2009 йил 9 июлдаги 190-сон) («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан 2010 йил 1 январдан бошлаб Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори билан тасдиқланган) ва Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

Ўзгартиш ва қўшимчалар республикада ишлаб чиқарилаётган ва сотилаётган истеъмол товарларининг сифати, уларнинг санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ келиши устидан назоратни кучайтириш, шунингдек одамлар ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида киритилмоқда. Чунончи, илгари ҳам юридик, ҳам jisмоний шахслар томонидан ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи, маргарин ва майонез маҳсулотлари, тухум кукуни, шахсий гигиена буюмлари ва бошқа товарларни энди фақат юридик шахслар ишлаб чиқаришга ҳақлидирлар.

#### ТУРИН УНИВЕРСИТЕТИГА МАРҲАМАТ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 июлдаги 192-сон қарори билан Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига 2009/2010 ўқув йили учун 200 нафар ўқувчи қабул қилиш квотаси тўлов-контракт асосида белгиланди. Ўқитиш қуйидаги мутахассисликлар бўйича олиб борилади:**

- «Машинасозлик технологияси» – 50 нафар;
- «Автомобиль инжиниринги» – 50 нафар;
- «Саноат ва хўжалик қурилиши инжиниринги» – 25 нафар;
- «Архитектура ва саноат дизайни» – 25 нафар;
- «Ахборот технологияси ва саноатда АБТ» – 25 нафар;
- «Энергетика» – 25 нафар.

2-бетда

<p><b>УШБУ СОҲДА</b></p>	1-2-бетлар	2-3-бетлар	4-бет	6-бет
	<p><b>Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар</b></p> <p>\$1 = 1487,81 сўм</p>	<p><b>Яна таълим ҳақида</b></p> <p>€1 = 2107,19</p>	<p><b>Саволларга экспертлар жавоби</b></p> <p>£1 = 2439,56 сўм</p>	<p><b>Ишсизларга давлат кафолатлари</b></p> <p>¥10 = 157,14 сўм</p>

**INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ** **ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР**

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

www.interpress.uz **119-0000** **155-0955** **2-бетда**

**ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ**

**ОЛИБ ҚҲЙИЛСИН ВА ЙҲҚ ҚИЛИНСИН!**

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни назорат қилиш, ҳисобга олиш ва сотиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 200-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Ҳужжатда олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва сақлаш; уни давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва бажариш ҳамда уларни ҳисобга олиш; бундай мулкни тасарруф этиш; автотототранспорт воситаларини ва кўчмас мулкни давлат даромадига ўтказиш ва ҳисобга олиш; мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш, мол-мулкни сотишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олиш тартиблари ва бошқа масалалар назарда тутилган. Чунончи, қуйидагилар мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши керак: этил спирти (озиқ-овқат спирти), алкоғолли маҳсулотлар ва пиво; тамаки маҳсулотлари; доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари; озиқ-овқатга биологик актив қўшимчалар, озиқ-овқат қўшимчалари; асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхалари ва бошқа мол-мулк.

**ЯПОНИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҲҚИШГА ЧОРЛАЙДИ**

Япония ҳукуматининг Ўзбекистон вакилларининг Японияда ўқишини ташкил этиш учун берилаётган 244 млн Япония иенаси-грантларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 16 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш учун Япония Ҳукуматининг грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 201-сон қарори билан Япония ҳукуматининг Ўзбекистон вакилларининг Япония етакчи университетлари магистратурасида ўқишини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Ҳужжат билан белгиланишича, ўқиш учун номзодларни танлаб олиш Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Япония Халқаро ҳамкорлик маркази (ЛСЕ), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади. Японияда JICA лойиҳаси доирасида ўқиган ўзбекистонлик мутахассисларнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нострификация қилинишига ва уларнинг ишга жойлаштирилишига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмаклашади.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 10 июлдан 17 июлгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 29-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.pogta.uz](http://www.pogta.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

**ҲУЖЖАТ МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ**

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 10 июлда 1831-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага Президентнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1090-сон қарори қабул қилинганлиги муносабати билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2009 йил 20 июлдан кучга кирди.

**РУХСАТ ЭТИЛГАН АЛОҚА**

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 10 июлда 1388-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон норезидентларига республика ҳудудида радио-электрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни харид қилиш (топшириш), лойиҳалаштириш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланиш ҳамда чет элдан олиб киришга рухсатномани энди Давлат унитар корхонаси – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги Электромагнит мослашув маркази беради.

2009 йил 20 июлдан кучга кирди.

**СУҒУРТА ҲУСУСИДА**

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 16 июлда 1982-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги низом тасдиқланди. У давлат ижтимоий суғурта ташкилотларига нисбатан қўлланилмайди. Ҳужжат билан инвестиция фаолиятига доир асосий талаблар, уни амалга ошириш тартиби, масъул шахсга қўйиладиган малака талаблари ва бошқа масалалар тартибга солинган. Ҳужжатга мувофиқ молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ўз активларини қайтарилди, ликвидлик, диверсификация ва фойдалилик принциплари асосида жойлаштиришлари лозим. Улар шунингдек инвестициялар ва улар билан боғлиқ таваккалчиликларни малакали бошқаришлари, ахборотларнинг шаффофлиги ва конфиденциаллигини таъминлашлари шарт.

2009 йил 26 июлдан кучга кирди.

**БЕХАТАР ИШЛАШ УЧУН**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 16 июлда 1983-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Пахта тозалаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.

2009 йил 26 июлдан кучга кирди.

**ТАЪЛИМ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ**

«Норма маслаҳатчи»нинг 13 июлдаги 27-сониди «Бугуннинг гапи» рукни остида «Таълим соҳасида лицензиялаш масалалари» ва «Муассасанинг масъулияти ўзгача...» материаллари чоп этилиб, улар таълим бериш фаолиятини лицензиялаш мавзусига бағишланган эди. Бугунги материал ҳам ушбу мавзудаги суҳбатнинг давомидир.

Таълим бериш хизматлари иқтисодиётимизда алоҳида ўрин тутади. Одатда базавий (асосий) таълим бериладиган таълим муассасаларидан ташқари, Ўзбекистонда кўплаб ташкилотлар ва жисмоний шахслар қўшимча, шу жумладан норасмий тусдаги таълим бериш хизматларини кўрсатадилар. Уларга, хусусан, қисқа муддатли курслар, бир марталик маърузалар, репетиторлик ва шу кабилар киради. Ушбу фаолият лицензияланиши керакми? Бундай хизматлар қандай ташкилий шаклда тақдим этилиши лозим? Мазкур ҳолларда қандай қонун ҳужжатларининг меъёрларига асосланиш зарур? Ушбу мақола ана шу муаммоларнинг таҳлилига бағишланган.

Таълим тўғрисидаги қонунчилик қоидаларини талқин қилиб қўйилган масалаларга аниқ жавоб олиб бўлмайди. Ҳуқуқни қўллайдиган органларнинг қонун ҳужжатларини турлича шарҳлаши ҳам муаммони чуқурлаштиради, бу ҳол улардан юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланишини қийинлаштиради. Амалиётда «айбдор» шахсларга нисбатан баъзан жарима чоралари қўлланилиб, уларга қўшимча равишда солиқларни ҳисоблаб ёзадилар, баъзан эса ҳатто фаолиятларини тўхтатадилар, бироқ бундай чораларнинг қонунийлиги, фикримизча, жиддий шубҳа уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида мустақамланган билим олиш ҳуқуқи таълим бериш хизматларини кўрсатиш ва ривожлантиришнинг асоси ҳамда кафоллатидир. Кейинги йиллар ичида таълим бериш муҳитини тубдан таркибий ва сифат жиҳатидан ўзгартиришга йўналтирилган ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Негиз бўлувчи ҳужжатлар орасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун (1997 йил 29 августдаги 464-1-сон, бундан кейин – 464-1-сон Қонун) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини (1997 йил 29 августдаги 463-1-сон Қонун билан тасдиқланган) ажратиш мумкин. Ушбу ҳужжатлар тижорат асосида таълим бериш хизматларини тақдим этиш учун ҳам пойдевор бўлди.

464-1-сон Қонунда «таълим» таърифнинг мавжуд эмаслиги таълим бериш хизматлари кўрсатилишини тартибга солишда биринчи муаммодир. Ушбу атамани кенг ҳолда ва тор маъноларда тушуниш мумкин. Биринчи ҳолда у беистисно таълимнинг барча

турларини, иккинчи ҳолда эса – фақат ушбу тушунча доирасида муайян турларни, агар улар мавжуд бўлса, қамраб олади.

464-1-сон Қонуннинг 10-моддаси қуйидаги таълим турлари рўйхатини келтиради – мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус (касб-хунар) таълим, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим. Бундан мантиққа кўра қонунчиликдаги «таълим» таърифи шу билан чекланади деб ҳисоблаш мумкин. Таълимнинг мазкур рўйхатга кирмагача бошқа турлари 464-1-сон Қонун билан тартибга солинмайди ва умумий асосларда тақдим этилади. Ана шу хизматларнинг ҳаммасини шартли равишда асосий (464-1-сон Қонуннинг 10-моддасида саналган) ва қўшимча хизматларга ажратамиз.

Тушунчаларнинг мавҳумлиги ва таълим асосий турлари аниқ чегараларининг йўқлиги манфаатдор шахсларга уларни ўз хоҳишларига қараб шарҳлаш имконини беради. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида шундай ҳоллар учрайдики, уларда Қонунда санаб ўтилган таълим турлари ғоятда кенг талқин қилиниб, ўқувчиларнинг ёшига боғлиқ ҳолда мактабдан ташқари таълим деб ҳам, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш деб ҳам таснифлаш мумкин бўлган мактабгача таълим ёки ЭҲМ «Excel» дастуридан фойдаланиш кўникмаларига ўргатувчи бир ойлик курс бўлишидан қатъи назар, беистисно бутун ўқитиш фаолиятини ўз ичига олади.

Вазирлар Маҳкамасининг нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссияси ишчи органи кенгайтириб талқин қилишнинг айнаи шундай позициясида туриб, таълим турларини лицензиялашни халқ ҳўжалиги тармоқларининг

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚҲЙМАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 21 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1199,47	1 Малайзия ринггити	418,75
1 Англия фунт стерлинги	2439,56	1 Польша злотийси	486,18
1 Дания кронаси	282,99	1 СДР	2310,21
1 БАА дирҳами	405,07	1 Туркия лираси	975,49
1 АҚШ доллари	1487,81	1 Швейцария франки	1385,56
1 Миср фунти	266,82	1 ЕВРО	2107,19
1 Исландия кронаси	11,72	10 Жанубий Корея вони	11,89
1 Канада доллари	1344,73	10 Япония иенаси	157,14
1 Хитой юани	217,78	1 Россия рубли	46,81
		1 Украина гривнаси	194,73

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

**МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ**

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	23.07.2009	1	0,8041	1	1,1445	1	0,0258
Арманистон	23.07.2009	1	365,55	1	520,29	1	11,74
Беларусь	24.07.2009	1	2817,00	1	4009,72	1	90,65
Грузия	23.07.2009	1	1,6674	1	2,3657	1	5,3651
Қозғоғистон	24.07.2009	1	150,73	1	214,52	1	4,84
Қирғизистон	18.07.2009	1	43,4836	1	61,3227	1	1,3681
Латвия	24.07.2009	1	0,493	1	0,702804	1	0,0158
Литва	24.07.2009	1	2,4241	1	3,4528	10	7,7915
Молдова	23.07.2009	1	11,2055	1	15,9067	1	0,3599
Тоғжикистон	23.07.2009	1	4,3916	1	6,1484	10	1,4075
Ўзбекистон	21.07.2009	1	1487,81	1	2107,19	1	46,81
Украина	23.07.2009	100	766,32	100	1087,4847	10	2,4658

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

**УШБУ СОНДА:**

- **УСТУВОРЛИКЛАР**
  - Натижалар ва келгусидаги вазифалар
  - Тренерлар учун тренинг
  - Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз
- **БУГУННИНГ ГАПИ**
  - Таълим соҳасида лицензиялаш масалалари
  - Валюталар курси
- **ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ**
  - Ташиш пули қаерга кiritилади?
  - Кредитор ғойиб бўлса...
- **ОЛИБ ЧИҚИШ ҚҲЙМАТИ ҚАНЧА?**
  - Олиб чиқиш қиймати қанча?

**4-бет**  
**2-3-бетлар**  
**1-2-бетлар**

**5-бет**  
**КАДРЛАР БЎЛИМИ**  
– Агар сизни ишдан бўшатишган бўлса...  
**6-бет**  
**top**  
**7-8-бетлар**

# СОҲАСИДА МАСАЛАЛАРИ

умумдавлат таснифномаси (ХХТУТ) кодлари билан боғлади. Хусусан, агар юридик шахсга статистика органлари томонидан ХХТУТ 92200 – «Ишчилар ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш» коди берилса, у кўрсатилган таълим бериш хизматлари хусусияти ва моҳиятидан қатъи назар «Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш» таълим тури бўйича лицензия олиши шарт. Келиб чиқадики, бичиш-тиқиш курсларига, масалан, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказига қўйиладиган талаблар, яъни: давлат стандартларига мувофиқ ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, кадрларни аттестация қилиш, кутубхона бўлиши ва ҳоказо талаблар қўйилиши керак.

сифатида белгиланган ва уларни ривожлантириш учун муҳим солиқ имтиёзлари ўрнатилган<sup>2</sup>.

Аввало «таълим», «таълим фаолияти», «асосий ва қўшимча таълим» атамаларининг қонундаги таърифини ишлаб чиқиш, лицензияланадиган ва лицензияланмайдиган таълим бериш хизматларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса ушбу бозорни ривожлантиришга ижобий омил бахш этади.

Иккинчи муаммони ҳал этиш учун «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**» Қонун (2000 йил 25 майдаги 71-II-сон, бундан кейин – 71-II-сон Қонун) ва **Олий Мажлиснинг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» қарори** (2001 йил 12 майдаги 222-II-сон, бундан кейин – Рўйхат), шунингдек **Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом**<sup>3</sup> (бундан кейин – Лицензиялаш тўғрисидаги низом) меъёрларининг зидлиги ва номувофиқлигини ажратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Гарчи Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган Рўйхатда нодавлат таълим муассасаларининг **фаолияти** лицензияланиши керак деб белгиланса-да, 71-II-сон Қонуннинг 11-моддаси лицензия ҳар бир лицензияланадиган **фаолият турига** берилади деб қайд этди. Мазкур ҳолда – таълим фаолиятига. Бунда Лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 4-бандида белгилавишича, лицензиялар нодавлат таълим муассасаларига ҳар бир **таълим тури** учун алоҳида берилади. Лицензиялаш тўғрисида низомнинг ўзида лицензияланадиган таълим турлари келтирилмаган, бундан келиб чиқиб 464-I-сон Қонуннинг 10-моддасида санаб ўтилган таълим турлари тўғрисида сўз борапти деб фарз қилиш мумкин. Агар матндан келиб чиқилса, қўшимча таълим хизматлари лицензияланмаслиги керак, чунки улар 464-I-сон Қонунда ҳатто тилга олинмаган.

Лицензия комиссияси ишчи органнинг нодавлат таълим муассасалари томонидан таълим бериш хизматларини кўрсатишнинг ташкилий шаклига талаби учинчи муаммони туғдиради. 464-I-сон Қонун, Рўйхат ва Лицензиялаш тўғрисидаги низом «таълим муассасаси» сўз бирикмасини жуда кўп ишлатади, юридик шахснинг талаби аниқ шунга асосланади: лицензия талабгори бўлган юридик шахслар «муассаса» ташкилий-ҳуқуқий шаклига эга бўлишлари керак.

Бироқ 464-I-сон Қонунда таълим муассасасининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига аниқ талаб мавжуд эмас. Бунда унинг 25-моддаси Вазирлар Маҳкамасига таълим муассасала-

рини барпо этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш бўйича ваколатларни беради. Ҳозирги вақтда ташкилий-ҳуқуқий шакл – «муассаса»<sup>4</sup> ҳукумат томонидан фақат нодавлат **мактабгача** таълим тузилмаларига нисбатан белгиланган. Бошқа турлар учун ташкилий шакллар Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳозирча белгиланма-

ган. «Таълим муассасаси» сўз бирикмасининг юридик моҳияти ва хусусиятини муҳокама қилганда шунга эътибор қаратиш лозимки, у но-тижорат ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатидаги «муассаса» маъноси билан қиёслаганда бошқача маъно касб этади. Улар ўртасидаги фарқни аниқ белгилаш учун «муассаса»нинг чекланган ашёвий ҳуқуққа эга юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатидаги маъносидан келиб чиқиш зарур. Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 76-моддасига ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг (1999 йил 14 апрелдаги 763-I-сон, бундан кейин – «ННТ тўғрисида»ги Қонун) 13-моддасига мувофиқ бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилий муассаса ҳисобланади<sup>5</sup>.

Қонун ҳужжатларида ишлатиладиган «таълим муассасаси» атамаси янада кенгрок, умумлаштирувчи хусусиятга эга ва юридик шахснинг шакли билан ҳеч ҳам боғланмаган. Ана шу сўз бирикмаси остида қонун чиқарувчи ва бошқа давлат органлари таълим бериш фаолияти билан шуғулланаётган барча шахсларни битта жамлаштирувчи тушунча билан бирлаштиришга ҳаракат қилганлар. Тарихан мазкур атама но-ишлаб чиқариш тусидаги – маданий, бошқарув, таълимий ва илмий функцияларни амалга оширадиган ташкилий тузилмаларга нисбатан қўлланадики, бу ҳол уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари билан боғланмаган. Нодавлат юридик шахслар сони чекланган 90-йиллар бошига қадар «муассаса» ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида давлат бошқаруви органлари ва барча ўқув юртларига нисбатан қўлланган. Унинг ҳамма жойда «давлат муассасаси» ёки «таълим муассасаси» бирикмаларида қўлланилиши ана шундан келиб чиқади.

Бошқа томондан, «муассаса» ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида давлат ўқув юртлари учун энг мақбул



конструкциядир. Асосий воситаларнинг катта қисми мулкдори бўлган ва ўзига тегишли бўлган объектларни бевосита бошқара олмайдиган, аниқ вақтда эса уларга доир мулк ҳуқуқини йўқотишни хохламайдиган давлат мулк оборотига мустақил юридик шахслар – муассасаларни чиқариб, улардаги ўз мол-мулкни чекланган ашёвий ҳуқуқда мустақамлашга мажбурдир. Фуқаролик кодексида бундай ҳуқуқ тезкор бошқариш ҳуқуқи деб номланади. Унинг асосий хусусияти шундан иборатки, давлат бундай муассасалар мол-мулкнинг мулкдори бўлиб қолади, муассаса эса ўзига топширилган мол-мулкни мустақил тасарруф этишга ҳақли эмас.

Таълим бериш хизматлари билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг турлари масаласи жуда муҳимдир. Улар фақат нотижорат ташкилотлари бўлиши керакми ёки бу хизматларни тижорат тузилмалари ҳам кўрсата оладиларми? Бундай бўлишининг ҳуқуқий оқибатлари қандай? Шуни таъкидлаш лозимки, таълим муассасаси нотижорат ташкилий-ҳуқуқий турунинг мажбурийлиги талаби ҳукумат ҳужжатлари билан мувофиқ келмайди. Чунончи, **Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида» қарори** (2003 йил 11 октябрдаги 439-сон қарор) иловасига кўра таълим бериш хизматларини кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ХХТУТ кодлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига киритилган. Бу эса уларни ўз-ўзидан тижоратчи юридик шахсларга киритади.

Бизнинг фикримизча, **асосий** таълим хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар (уларнинг рўйхати 464-I-сон Қонуннинг 10-моддасида келтирилган) нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши керак. Буни уларга нисбатан жиддий сифат талаблари қўйилганлиги тақозо этади. Шу сабабли уларни сифатга зарар етказиб тижоратлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Уларнинг муассислари ва маъмурияти фойда ортидан қувмаслиги керак. Мазкур таъкид умумэтироф қилинган жаҳон амалиётдан келиб чиқади, жаҳонда асосий таълим бериш хизматларини кўрсатувчи таълим муассасаларининг кўпчилиги нотижорат корпорациялари кўринишида майдонга чиқади. Бироқ ушбу юридик шахсларга нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли танлаш ҳуқуқи берилиши керак, чунки «муассаса» ўзида чек-

ланган ашёвий ҳуқуқни ифодалайди ва ўзига бириктирилган мол-мулкни ва унга мулкдор томонидан смета бўйича ажратилган маблағлар ҳисобига харид қилинган мол-мулкни учинчи шахсларга беришга ёки бошқа усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас<sup>6</sup>.

Қонунчиликда, бизнинг фикримизча, тижоратчи юридик шахслар томонидан қўшимча таълим турлари кўрсатилиши мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Уларга қисқа муддатли курслар, махсус кўникмаларга ўргатиш, бир марталик маърузалар ва ҳоказолар кирди. Бундай хизматлар асосан фойда олиш мақсадида пулли тарзда амалга оширилади. Ўйлашимизча, рақобат кўринишидаги бозор механизми уларга сифатга доир талабларни қўяди.

Баъзи хорижий мамлакатларнинг таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинаётган муаммолар юзага келишига йўл қўймайдиган ҳуқуқ меъёрларига эгадир. Ривожланган мамлакатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш керак деб ҳисоблаймиз. Бироқ бунда таълим соҳасидаги қонун ижодкорлиги миллий хусусиятларимиз, маданий анъаналар, ютуқлар ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олиши керак.

Шу тариқа, таълим соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир қатор амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили ушбу мақолада тилга олинган ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятида юзага келадиган бошқа муаммоларни ҳал этиш учун қайта кўриб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Лицензияланадиган турлар сифатида, фикримизча, фақат асосий таълим турларини қолдириш зарур. Бунда, манфаатдор шахслар томонидан бирор-бир кенгайтирилган ва бошқача талқинга йўл қўймаслик учун, уларнинг чегарасини Қонунда аниқ белгилаш лозим.

Шу билан бирга сифатни назорат қилиш мақсадида бошқача ечим – барча таълим турлари учун лицензиялашни белгилаш ҳам мумкин. Бундай ёндашув ҳам хориж амалиётида қўлланилади. Бироқ бундай ҳолда таълим бериш хизматларининг қўшимча турлари учун лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини ишлаб чиқиш ёки руҳсатнома олишнинг бошқача тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Улугбек ТОЖИЕВ,**  
юридик фанлар номзоди,  
«Tadjiev & partners»  
адвокатлар фирмасининг  
маслаҳатчиси.

<sup>1</sup>Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» қарори (1998 йил 5 январдаги 5-сон) билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>Президентнинг 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сон қарори билан солиқ имтиёзларининг амал қилиши 2012 йил 1 январга қадар узайтирилган.

<sup>3</sup>Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган) 5-банди.

<sup>5</sup>ФК 76-моддасининг «ННТ тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасидан жиддий фарқи муассаса муассислари (мулкдорлар)нинг миқдорий таркиби эканлигини таъкидлашни хошлардик. Чунончи, ФКнинг маъносидан келиб чиққанда муассасада фақат битта мулкдор (муассис) бўлиши фарз қилинади, бироқ Қонунда уларнинг миқдори чекланмаган.

<sup>6</sup>Муассасанинг ашёвий ҳуқуқи ФКнинг 178, 180-моддаларида назарда тутилган тезкор бошқариш ҳуқуқида ифодаланади.

# ТАШИШ ПУЛИ ҚАЕРГА КИРИТИЛАДИ?

**Хом ашё транспортда олиб келинди. Уни ташиш харажатларини, бизнинг бухгалтерия сиёсатимизга кўра, 1010, 1020, 1030 ва бошқа ҳисобварақларга ёки ишлаб чиқаришга киритиш керакми?**

Тиллаев, бухгалтер.

– 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»нинг 13-бандига биноан материаллар таннархи етказиб берувчига шартнома бўйича тўланадиган суммалар ва уларни харид қилиш (олиш) билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади. Ушбу харажатларга қуйидагилар киритилади:

- божхона божлари ва йиғимлари;
- материалларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган солиқ ва йиғимлар суммалари;
- материаллар улар орқали харид қилинган таъминотчи ва воситачи ташкилотларга тўланадиган воситачилик ҳақи;
- материалларни сертификатлаш ва уларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган техник шартларга мувофиқ синаш бўйича харажатлар;

– материалларни тайёрлаш ва уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига етказиб бериш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари. Улар тайёрлаш, юклаш-тушириш ишлари, материалларни барча турдаги транспорт билан уларни жорий жойлашиш ёки фойдаланиш жойига ташиш учун тарифлар (фрахт)ни тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан ташишда хатарларни суғурталаш бўйича харажатлардан ташкил топади;

– материалларни харид қилиш билан бево-сита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Материалларни етказиб бериш бўйича қабул қилувчи тараф ўз зиммасига оладиган харажатлар харид қилиш билан боғлиқ харажатлардир, бинобарин, улар материалларни ҳисобга олиш

**1-МИСОЛ.** ҚҚС тўловчи корхона 660 минг сўмга бинокорлик материаллари (цемент) сотиб олди, шу жумладан ҚҚС – 110 минг сўм. Чет транспорт ташкилоти кўрсатган уларни етказиб бериш хизматлари ҚҚСсиз 30 минг сўмни ташкил қилди.

Улар таннархига киритиладиган бинокорлик материалларини харид қилиш харажатлари 580 минг сўмни (550 + 30) ташкил қилади, яъни етказиб бериш харажатлари тўғридан-тўғри материалларни харид қилиш нархига (ҚҚСсиз) қўшилади.

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Келиб тушган материалларнинг қиймати етказиб беришни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилган	580	1050	6010

Иккинчи усул қўлланилганда ТТХ аввал алоҳида 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ҳисобварақига тўланади, кейин эса улар материаллар таннархига киритилади

**2-МИСОЛ.** Корхона ҚҚСсиз 1 300 минг сўмлик материалларни харид қилди, уларни етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари 180 минг сўмни ташкил қилди. ТТХ 1510-ҳисобварақда ҳисобга олинади.

Материаллар таннархи фақат материал етказиб берувчига шартномага мувофиқ тўланган сумма – 1 300 минг сўмни ўз ичига олади. Етказиб бериш харажатлари (180 минг сўм) 1510-ҳисобварақга киритилади.

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Келиб тушган материалларнинг қиймати акс эттирилган	1 300	1000	6010
2	Материалларни етказиб бериш харажатлари акс эттирилган	180	1510	6010

1510-ҳисобварақда тўпланган ТТХ суммаси давр охиридаги моддий захиралар қолдиғи билан ташкилотнинг ҳисоб сиёсати билан белгиланган даврда чиқиб кетган (фойдаланилган, реализация қилинган, текинга берилган ва ҳоказо) моддий захиралар ўртасида тақсимланади.

Чиқиб кетаётган материалларга тақсимланадиган ТТХ суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**3-МИСОЛ.** Корхона 1510-ҳисобварақни қўллаган ҳолда транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисобга олади. Ҳисоб сиёсатига кўра ТТХни тақсимлаш ҳар ойнинг охирида ўтказилади.

№	Кўрсаткичлар	Материалнинг (материаллар гуруҳининг) ҳисоб қиймати	ТТХ суммаси (1510-ҳисобварақ)
1	Ой бошидаги қолдиқ	8 000	2 200
2	Ҳисобот ойда келиб тушди	45 000	3 600
3	Ой охирида жами	53 000	5 800
4	ТТХ фоизи (5 800/53 000) x 100		11%
5	Ҳисобот ойн (даври)да ҳисобдан чиқарилди:		
	- асосий ишлаб чиқаришга	36 200	3 982 (36 200 x 11%)
	- умумий ишлаб чиқариш харажатларига	11 500	1 265 (11 500 x 11%)
	- реализация қилиш харажатларига	1 100	121 (1 100 x 11%)
	Жами:	48 800	5 368
6	Ой (ҳисобот даври) охиридаги қолдиқ (3-банд – 5-банд)	4 200	432

Ҳисобда ТТХни ҳисобдан чиқариш ой мобайнида чиқиб кетган материаллар бўйича тақсимлангандан кейин қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Тақсимланган ТТХларни ҳисобдан чиқариш акс эттирилган	3 982	2010	1510
			1 265	
			121	

ҳисобварақларига (1010, 1020, 1030 ва ҳоказолар) киритилади.

Корхонанинг транспорт-тайёрлов харажатлари (ТТХ) 4-сон БҲМСда назарда тутилган 4 усулдан қуйидаги икки усулдан бири бўйича ҳисобга олиниши мумкин:

- ТТХни материалнинг ҳақиқий таннархига бево-сита (тўғридан-тўғри) киритиш;
- етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига биноан ТТХни алоҳида 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётига киритиш.

Материалларни баҳолаш усулини корхона мустақил равишда белгилайди ва унинг ҳисоб сиёсатида акс этади.

Материалнинг ҳақиқий таннархига тўғридан-тўғри киритиш – харажатлар суммасини:

- материалнинг шартномавий нархига – материаллар ҳақ эвазига харид қилинганда;
- ҳиссанинг муассислар томонидан белгиланган пул баҳосига – агар материаллар корхонанинг устав капиталига ҳисса сифатида киритилган бўлса;
- бозор қиймати – материаллар текинга келиб тушганида ва ҳоказоларга қўшиб олиш (киритиш)дир.

ТТХни материалнинг ҳақиқий таннархига тўғридан-тўғри киритишни материаллар номенклатураси кичик бўлган корхоналарда, шунингдек материалларнинг айрим турлари ва гуруҳлари муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

ёки фойдаланишнинг боришига қараб ишлаб чиқариш харажатларига ва (ёки) «Материаллар» элементи бўйича давр харажатларига ҳисобдан чиқарилади.

ТТХ ўртача фоизи х чиқиб кетган материаллар қиймати.

ТТХнинг ўртача фоизи қуйидагича аниқланади: (давр бошидаги ТТХ қолдиғи + давр учун ТТХ)/ (давр бошидаги ТМЗ қолдиғи + давр ичида келиб тушган ТМЗ).

Мақсуд усул оборотида анчагина миқдорда моддий ресурслар бўлган ўрта ва йирик корхоналарда қўлланилади. Тахлилий ҳисобни уларнинг ҳар бир номига ҳисоб нархлари бўйича баҳолашга қуриш мақсадга мувофиқдир.

Мақолалар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди.

## АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-ўй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

**Бизнинг корхонамиз мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ягона солиқ тўлови тўлаб борамиз. Якка тартибдаги тадбиркордан 480 минг сўмлик фурнитура харид қилдик. Ушбу сумманинг 15 фоизини олдиндан тўлаганмиз, бироқ қолган қисмини унга тўлай олмаяпмиз. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб рақами ёпилган, уни топа олмаяпмиз. Шу муносабат билан бир қатор саволлар туғилди.**

**Қарз суммаси (408 минг сўм) корхонамиз даромади бўлиб ҳисобланадими? Унга ягона солиқ тўлови солинадими? Қандай ҳужжатлар расмийлаштирилиши керак?**

И.Исаев, бухгалтер.

## КРЕДИТОР ҒОЙИБ БЎЛСА...

– Қуйидаги ҳолларда кредиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилади ва айна вақтнинг ўзида корхона даромади бўлиб ҳисобланади:

- кредитор корхона тугатилганда (мол етказиб берувчи якка тартибдаги тадбиркор фаолияти тўхтатилганда);
- даъво қилиш муддати тугаганда.

Сизнинг ҳолатингизда кредитор ўз фаолиятини тугатганлиги аниқ эмас. Шунинг учун ҳозирнинг ўзида ушбу қарзни ҳисобдан чиқара олмайсиз. Даъво билдириш муддати (3 йил) ўтгандан сўнг уни муддати ўтказиб юборилган қарз сифатида ҳисобдан чиқара оласиз.

Муддати ўтказиб юборилган қарзларни аниқлаш учун корхонада 19-сон БҲМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш» талабларига мувофиқ хариддорлар ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар инвентаризацияси ўтказилиши керак. Унинг натижалари 19-сон БҲМСнинг 16-иловасида келтирилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади.

**МИСОЛ.** Инвентаризация комиссияси томонидан ҳисоб-китоблар текширилаётганда 408 минг сўм кредиторлик қарзи аниқланди, у бўйича даъво қилиш муддати ўтган. Дебиторлик қарзи мавжуд эмас.

Комиссия мавжуд қарз бўйича ҳисоб-китобларни инвентарлаш далолатномасини расмийлаштиради:

### – сон ХАРИДОРЛАР, МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА БОШҚА ДЕБИТОРЛАР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ИНВЕНТАРЛАШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

1. Кредиторлик қарзи бўйича

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобрақами ва кредиторнинг номи	Ҳисобварақ рақами	Баланс бўйича сумма, сўм			
		жами	тасдиқланган кредиторлик қарзи	тасдиқланмаган кредиторлик қарзи	даъво билдириш муддати ўтган қарзлар
1	2	3	4	5	6
“Султонов Б.А.” ХК мол етказиб берувчилари ва пудратчиларига тўланадиган ҳисобварақлар	6 010	408 000			408 000
Жами:		408 000			408 000

Инвентарлаш далолатномаси инвентаризация комиссияси раиси ва аъзолари томонидан имзоланади. Бухгалтер у бўйича ИНВ-17 шаклига иловада кўрсатилган маълумотномани расмийлаштиради ва имзолайди.

### – сон ХАРИДОРЛАР, МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА БОШҚА ДЕБИТОРЛАР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ИНВЕНТАРЛАШ ДАЛОЛАТНОМАСИГА МАЪЛУМОТНОМА

Ўзвнинг тартиб рақами	Дебитор, кредиторнинг номи ва манзили	Қарз нима учун ҳисобда турибди	Қарзнинг боиланиш санаси	Қарз суммаси, сўм		Қарзни тасдиқловчи ҳужжат ва даъво билдириш муддатини ўтказиб юборишда айбдор шахс		
				дебиторлик	кредиторлик	номи	санаси	рақами
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	“Султонов Б.А.” ХК, Тошкент ш., Навоий кўч., 96-уй, 3-х.	Фурнитура	18.06.2006		408 000	Олди-сотди шартномаси, кирим ҳужжатлари	25.05.2006	

Кредиторлик қарзи раҳбарнинг қарори бўйича ҳисобдан чиқарилади, у буйруқ билан рамиёлаштирилиши керак.

Корхонанинг бухгалтерия ҳисобида кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан бошқа даромадлар (Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом В бўлимининг 2.5-банди) таркибига киритилади. Ушбу ҳисобдан чиқариш қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сумма (минг сўм)	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзи ҳисобдан чиқарилди	408	6010	9360

Ҳисобдан чиқарилган кредиторлик қарзи Солиқ кодексининг 132-моддаси бўйича бошқа даромад сифатида ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби қилинганда солиқ солинадиган оборотга киритилиши керак. Тўлов корхонанинг асосий фаолият турига мувофиқ келадиган ставка бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

# ОЛИБ ЧИҚИШ ҚИЙМАТИ ҚАНЧА?

**Божхона қийматини белгилаш божхона амалиётида энг муҳим ва мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Айни товарларни божхонада баҳолашда ТИФ иштирокчилари ва божхона ходимлари ўртасида ихтилофлар юзага келади. Газетамиз импорт товарнинг божхона қийматини белгилаш тўғрисида кўп марта ёзган бўлса-да, экспорт пайтида баҳолаш масалалари амалда ёритилмаган. ТИФ иштирокчиларининг тахририятимизга йўллаган кўп сонли хатлари ушбу мавзуга бағишланган.**

Функциясига кўра божхона қийматлиқлар ҳисоб-китоби учун базар. Уни белгилаш қоидалари «**Бож тарифи тўғрисида**»ги Қонунда (бундан кейин – Қонун) назарда тутилган. Божхона органлари фақат уларга риоя этилиши назорат қилишлари шарт. Чунинчи, 12-моддага мувофиқ, мазкур Қонунга мувофиқ белгиланган ва божхона тўловларини ҳисоблаб ёзиш мақсадида фойдаланиладиган товарнинг божхона қийматини божхона органига декларант божхона расмийлаштируви пайтида қонун билан белгиланган тартибда ва шартларда эълон қилади. У ишончли ва ҳужжат билан тасдиқланган ахборотга асосланиши керак. Товарлар экспорти пайтида божхона қийматини белгилаш таомилини **Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги Низом** (ВМнинг 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 198-сон Низом) тартибга солади.

## БЕЛГИЛАШ УСУЛЛАРИ

198-сон Низомнинг 2-бандига биноан товарни экспортга сотишда унинг Инкотермс\* («DAF – Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси» шартларига келтирилган қиймати олиб чиқилган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

Экспорт қилинаётган товар нархи-

надиган сўнги порт ёки товарни ташиш порти, агар товарни қайта юклаш факти ушбу портнинг божхона органи томонидан тасдиқланган бўлса;

в) темир йўл орқали ташишлар учун – Ўзбекистон ҳудудидидаги сўнги станция ёки «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг хизмат кўрсатиш зонасига кирадиган қўшни давлатнинг биринчи станцияси;

г) товарларни бошқа транспорт турлари воситасида ташишлар учун – товарни ташиш йўли бўйлаб республиканинг божхона чегарасидаги ўтказиш пункти жойлашган жой;

д) почта орқали етказиб берилган товарлар учун – халқаро почта айирбошлаш жойи;

е) қувурлар орқали ташиладиган товарлар (нефть, газ ва бошқалар) ҳамда электр энергияси учун – Ўзбекистон божхона чегарасидаги тегишли ҳисоблагичлар жойлашган жой.

2) сотувчи томонидан қилинган харажатлар:

воситачилик ва брокерлик тўловлари; контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталиб ишлатилган таралар қиймати, агар уларга ТИФ ТНга мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса; жойлаш қиймати, шу жумладан, жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари қиймати;

3) олиб чиқилган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки бил-

амалга оширилади, агар улар: ҳақиқатда мавжуд бўлса ёки бўлиши мумкин бўлса; ҳолисона ва миқдор жиҳатидан белгиланган маълумотлар асосида ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлса; контрактда назарда тутилган товар қийматига киритилмаган бўлса. Агар уларнинг миқдорини белгилаш ва ҳужжатлар асосида тасдиқлаш мумкин бўлмаса, божхона қиймати олиб чиқилган товарларнинг олди-сотди қиймати асосида аниқланиши мумкин эмас.

## ИККИНЧИ УСУЛ

Агар шартномада белгилаб қўйилган нархлар мавжуд бўлмаса ва фақат товарнинг узил-кесил нархини белгилаш шартлари акс эттирилган бўлса (масалан, тегишли санадаги биржа котировкаларини ҳисобга олган ҳолда; нархларни ва шу кабиларни ҳисоблаш формуласи бўйича) ёхуд агар шартнома шартларига мувофиқ узил-кесил нарх сотиб олувчи томонидан уни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш натижаларига кўра аниқланса, божхона қиймати қуйидаги тартибда белгиланади ва декларация қилинади:

1) олиб чиқилган товарларни божхонада расмийлаштириш вақтинчалик (шартли) баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

2) декларант ўзидаги вақтинчалик (шартли) баҳонинг ҳолисоналигини тасдиқлайдиган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишга ҳақлидир.

Божхона қийматини вақтинчалик (шартли) баҳолаш учун база сифатида ёки шартнома (контракт)да қайд этилган бошланғич (тахминий) нарх ёхуд шартнома (контракт)да белгиланган ҳисоблаш шартларига мувофиқ товар юклаб жўнатилган санада белгиланган ҳисоблаш нархи қабул қилинади.

## УЧИНЧИ УСУЛ

Ҳисоблашларни аввалги икки усул ёрдамида амалга ошириш мумкин бўлмаган тақдирда декларантнинг ёзма равишдаги аризасига биноан божхона органи ихтиёрида мавжуд бўлган баҳолаш ахбороти асосида божхона қийматини вақтинчалик (шартли) баҳолаш амалга оширилиши мумкин. Бунда божхона органи кўриб чиқилган олди-сотди шартларидан ва божхона қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кўрсатилган божхона қийматини тасдиқлайдиган ва (ёки) аниқлаштирадиган зарур ҳужжатларни декларант тақдим этадиган мuddатни белгилайди. Божхона органининг мансабдор шахси томонидан БЮДга тегишли ёзувлар ва қайдлар киритилади. Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини аниқлаштириш ва (ёки) тасдиқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар белгиланган мuddатда тақдим этилгандан кейин унга тузатишлар киритиш ва божхона тўловларини қайта ҳисоблаш амалга оширилади.

Божхона қиймати қуйидаги ҳолларда олиб чиқилган товарнинг олди-сотди қиймати асосида белгиланиши мумкин эмас:

– баҳоланаётган товарга сотиб олувчининг ҳуқуқларига нисбатан чеклашлар ва товарнинг нархига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган чеклашлар мавжуд бўлса;

– сотиш ва олди-сотди нархи таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этишга боғлиқ бўлса;

– товарнинг божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан фойдаланилган маълумотлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса ёхуд ишончли бўлмаса;

– олди-сотди қатнашчилари бири-бирига ўзаро боғлиқ шахслар бўлса, уларнинг бири-бирига ўзаро боғлиқлиги олди-сотди нархи таъсир қилмайдиган ҳоллар (бу декларант томонидан исботланган бўлиши керак) бундан мустасно.

## ТЎРТИНЧИ УСУЛ

Олиб чиқилган товарларга нисбатан олди-сотди битишуви (товарларни ижара шартномаси бўйича етказиб бериш, бепул ва воситачилик етказиб беришлари ва шу кабилар) мавжуд бўлмаганда, шунингдек олиб чиқилган товарларнинг олди-сотди нархидан фойдаланиш мумкин бўлмаганда



божхона қийматини аниқлаш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

– ёхуд декларант томонидан тақдим этилган сотувчи-экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисобидида олиб чиқилган товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳамда айнан ёки шунга ўхшаш товарлар Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқилганда экспортчи томонидан олинадиган фойда миқдорини акс эттирувчи маълумотлар. Бунда биринчи усулда санаб ўтилган харажатлар ҳисобга олиниши керак;

– ёхуд олиб чиқилган айнан ёки шунга ўхшаш товарларни кириш қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари. Уларни белгилашда «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонуннинг 19 ва 20-моддаларига амал қилиниши лозим.

## БЕШИНЧИ УСУЛ

Декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматининг тўғрилигини тасдиқлайдиган маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёхуд декларант томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончли ва/ёки етарли эмас деб ҳисоблашга асос мавжуд бўлганда божхона қийматини божхона органи белгилайди. Бунда у декларантнинг ёзма сўрови бўйича уч иш куни мобайнида унга улар бўйича декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматининг қабул қилинмаганлиги сабабларининг ёзма равишдаги изоҳини тақдим этиши шарт. Божхона қийматини белгилаш учун божхона органи ўз ихтиёрида мавжуд бўлган ёки декларант томонидан тақдим этилган:

– олиб чиқилган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар билан ташқи савдо шартномалари нархлари тўғрисидаги;

– улар қиймати (таннархи) калькуляцияси тўғрисидаги;

– улар учун нархларнинг биржа котировкалари тўғрисидаги;

– тегишли минтақавий бозорлардаги ушбу товарларнинг нархлари тўғрисидаги;

– олиб чиқилган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилган товар-қиймат экспертизаси маълумотлари бўйича ахборотлардан фойдаланиши мумкин.

## РЕЭКСПОРТ

### ТОВАРНИ БАҲОЛАШ

Реэкспорт (илгари олиб кирилиб, республикадан олиб чиқилган) товарнинг божхона қиймати уни Ўзбекистонга олиб кириш пайтида товар божхона қиймати ва республика ҳудудидан қилинган қуйидаги харажатлар суммаси сифатида белгиланади:

– божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимлари;

– товар реэкспорти муносабати билан қайтариладиган тўловлар чегирлиган ҳолда божхона тўловлари;

– товарни сақлаш, уни ташиш ва сургуталаш учун тўловлар; бошқа харажатлар.

**МАЪЛУМОТ УЧУН!** Унинг қоидалари ва тартиби **Божхона реэкспорт режими тўғрисидаги Низом** (ДБҚнинг АВ томонидан 2002 йил 2 майда 1134-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан белгиланган.

## БОЖХОНА ҚИЙМАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

Божхона қийматини декларант божхона қиймати декларацияси (БКД) шакллари қўллаган ҳолда БЮДда эълон қилади. Эълон қилинган божхона қиймати тўғрисида асосли шубҳалар юзага келганда божхона органи унинг асосланмаси ва ҳисоб-китобларини тақдим этиши талаб қилишга ҳақли. Бунинг учун божхона қиймати декларацияси шаклларида (БКД-1, БКД-2) фойдаланиш мумкин.

**МАЪЛУМОТ УЧУН!** Тегишли божхона юк декларациясига илова ҳисобланадиган божхона қиймати декларациясини тўлдирish тартибини **Божхона қиймати декларациясини тўлдирish бўйича йўриқнома** (ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томо-

нидан 1998 йил 13 январда 391-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгилайди. Божхона қиймати декларацияси бўлмаса БЮД ҳақиқий ҳисобланмайди.

Эълон қилинган божхона қийматини тасдиқлаш учун декларант ишончли, миқдоран аниқланадиган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотларни ўз ичига олган, лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Улар алоҳида етказиб бериш ва (ёки) умуман шартнома (контракт) бўйича тўловлар ва ҳисоб-китоблар идентификациясини таъминлаши; ташкилотнинг раҳбари, бош бухгалтер имзолари ва муҳри ёки юридик шахсни ташкил этмасдан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширадиган шахснинг имзоси билан тасдиқланиши керак (бухгалтерия ҳужжатларига нисбатан).

## МАЪЛУМОТ УЧУН! Декларант

тақдим этадиган ахборотдан божхона органи фақат божхона мақсадлари учун фойдаланади ва унинг шахсларга декларантнинг руҳсатисиз бера олмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тижорат сирини ташкил этадиган ёки махфий ҳисобланган ахборотни ошкор этганлик учун божхона органи ва унинг мансабдор шахслари республика қонунларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Эълон қилинган маълумотларни тасдиқлаш учун декларант БЮД билан бир вақтда ташқи савдо шартномаси (контракт) ёки унга мувофиқ товарлар Ўзбекистондан олиб чиқилган бошқа ҳужжатни, товарга илова қилинувчи, тўлов-ҳисоб-китоб ҳужжатлари (ҳисоб-варақ-фактура) ва божхона қийматининг тўри белгиланганлигини тасдиқлаш имконини берадиган бошқа ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

## БОЖХОНА ҚИЙМАТИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ

Кўпинча ТИФ иштирокчилари назорат қилиш ва божхона қийматини белгилаш таомилларини чалқаштириб юбордилар. Гап шундаки, назорат борасида божхона анча эркин ҳаракат қилиши, ўз мезонларини белгилаши, меъёрий-ҳуқуқий базага жавоб берадиган текширув миқдорларини жорий этиши мумкин. Бироқ декларацияланаётган, хусусан, экспорт товарнинг божхона қийматини белгилаётганда эркин ҳаракат қилиш қонун доираси билан чекланган. У божхона қийматини белгилаш усулларини кетма-кет қўллаш билан, шунингдек божхона органларида мавжуд бўлган маълумотлар, шу жумладан божхона юк декларациялари ва бошқа муқобил манбалар таҳлил қилиниб шакллантирилган маълумотлар базаси асосида ҳам амалга оширилади.

Эълон қилинган божхона қиймати тузатишлар қуйидаги ҳолларда киритилиши мумкин:

– эълон қилинган божхона қиймати ҳажмига таъсир қилган техник хатолар аниқланганда;

– эълон қилинган маълумотларнинг тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлар ноумувофиқлиги аниқланганда;

– товарлар божхона органи томонидан белгиланган мuddатда олиб чиқилгандан кейин декларант томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, шу жумладан: ҳақиқатда келиб тушган валюта маблағлари суммаси тўғрисида ваколатли банкнинг ёзма тасдиқномаси; товарни қабул қилиш-топириш далолатномалари; шартнома (контракт) шартларига мувофиқ сотиш пайтида унга доир нархларнинг биржа котировкалари ва ҳоказолар асосида вақтинча (шартли) баҳолаш аниқлаштирилганда;

– божхона органлари томонидан божхона қиймати белгиланганда.

**МАЪЛУМОТ УЧУН!** Ушбу таомил амалга оширилганда албатта **БКД-1** ва **БКД-2** божхона қиймати тузатишлар киритиш шакллари тўлдирish бўйича йўриқномага мувофиқ (ДБҚ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 2000 йил 20 апрелда 920-сон билан рўйхатдан ўтказилган) божхона қиймати ва божхона тўловларига тузатишлар киритиш шакллари тўлдирилади.

**ИНКОТЕРМС-2000 ТИЛИ БИЛАН DAF (delivered at frontier – «Чегарага етказиб бериш»)** товар исталган транспорт турида ташишда, шу жумладан аралаш турдаги ташишлар пайтида қўлланилади. Бироқ у юк темир йўл ва (ёки) автомобиль транспортида ташишда энг кўп самара билан қўлланилади. «Чегара» тушунчасини ҳар қандай чегарани, шу жумладан экспортчи мамлакат чегарасини тавсифлаш учун ишлатиш мумкин. Шу сабабли тайинланган жойдаги пунктни келишиб олиш ва аниқ кўрсатиш жуда муҳимдир. Ўз ичига товарни, шу жумладан учинчи мамлакатлар орқали транзит бўйича чегарагача ташишга доир барча харажатларни олади. Божхона расмиятчиликларини сотувчи бажаради, у товар кўрсатилган пунктга етиб келишига қадар унинг учун барча хатарларни ўз зиммасига олади.

ни белгилаш бўйича контракт шартларига мувофиқ унинг божхона қиймати қуйидаги усуллардан бири билан белгиланиши мумкин.

## БИРИНЧИ УСУЛ

Олиб чиқилган товарнинг божхона қиймати у божхона чегараси орқали ўтказилаётган вақтда амалда туланган ёки тўланиши керак бўлган нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Унга қуйидаги харажатлар қўшилади (агар улар бундан аввал киритилмаган бўлса):

1) товарни Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилган жойигача (пунктгача) етказиб бериш бўйича харажатлар:

– ташиш қиймати;

– юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари;

– суғурта тўлови;

– сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати;

**МАЪЛУМОТ УЧУН!** Товарни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойи (пункти) дейилганда қуйидагилар тушунилади:

а) авиация воситасидаги ташишлар учун – республика ҳудудидидаги жўнатиш аэропорти ёки сўнги аэропорт, у ерда товарни ташиётган самолёт кўнади ва самолётга товарни сўнги юклаш амалга оширилади;

б) дарё орқали ташишлар учун – Ўзбекистон ҳудудидидаги товар юкла-

восита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қийматининг тегишли қисми:

– хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқилган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмлар; инструментлар, штамплар, шакллар ҳамда олиб чиқилган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган бошқа шу каби предметлар;

– олиб чиқилган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар;

– муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн, бадий жиҳозлаш, олиб чиқилган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар;

4) сотиб олувчи олиб чиқилган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар;

5) олиб чиқилган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати.

Кўрсатилган харажатларни божхона қиймати киритиш қуйидаги ҳолларда

\*Халқаро савдода энг кўп қўлланиладиган атамаларни талқин қилиш бўйича халқаро қоидалар.



# АГАР СИЗНИ ИШДАН БЎШАТИШГАН БЎЛСА... ЁКИ ИШСИЗЛАРГА ЁРДАМ УЧУН ИШСИЗ ҚОЛГАН ЁКИ ИШ ҚИДИРАЁТГАН ШАХСЛАР УЧУН ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗАРДА ТУТИЛГАН КАФОЛАТЛАР ТЎҒРИСИДА

**Меҳнат кодексининг (бундан кейин матнда – МК деб юритилади) 64-моддасига мувофиқ, ишдан маҳрум бўлган, биринчи марта иш қидираётган, шунингдек узоқ (бир йилдан ортик) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашни истаган шахсларга:**

- ишсизлик нафақаси тўлаш;
  - қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;
  - касб ўрганиш, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни меҳнат стажига қўшиш;
  - ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти таъминланади.
- Бироқ ана шу кафолатларнинг барчаси шахс расмий равишда ишсиз деб эътироф этилган тақдирдагина берилади. Шундай қилиб,**

## ИШСИЗГА АЙЛАНИБ ҚОЛИШНИНГ ҲАМ ШАРТИ БОР...МИ?

Одатда муайян ишга эга бўлмаган ҳар қандай шахс ишсиз деб эътироф этилади. Аммо ишсизлик нафақасини ҳамда шундай рутбадаги фуқаролар учун давлат томонидан назарда тутилган бошқа кафолатларни олиш учун ишсиз деган мақомга эга бўлиш зарур.

Ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс **ИШСИЗ** деб эътироф этилади.

**МКнинг 60-моддаси.**

Ишсиз мақомига эга бўлиш учун яшаш жойидаги меҳнат органига ёки меҳнат бўйича туман (шаҳар) бўлимининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг ҳудудига бириктирилган ходимига сизни **Фуқароларни меҳнат органларида рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга ишсизлик нафақаси тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга** (АВда 1999 йил 13 октябрда 831-сон билан рўйхатга олинган, бундан буён матнда Низом деб юритилади) мувофиқ иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш учун муружаат қилиш зарур. Рўйхатдан ўтказишлари учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилмоғи керак:

- паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;
- меҳнат дафтарчаси ёки иш стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжат (илгари ишламаган шахслар бундан мустасно);
- таълим тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси ёки белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси);
- ихтисоси ёки касб малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжат (асл нусхаси ёки белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма нусхаси) – касби бор шахслар учун;
- илгари ишлаган кишилар, шу жумладан жазони ижро этиш муассасаларидан суд ҳукми билан озод қилинган шахслар учун иш жойидан кейинги 12 ой ичида олинган иш ҳақи (меҳнат даромади, пул таъминоти) тўғрисидаги маълумотнома, тадбиркорлик фаолиятдан даромад олганлар учун эса солиқ органларидан маълумотнома.

Ногиронлар юқорида айтилган ҳужжатларга қўшимча равишда ТМЭҚдан тавсия этилаётган ишнинг хусусияти ва шартларига оид хулоса тақдим этадилар. Соғлиғи ҳолати туфайли меҳнат фаолиятида чекловлари бўлган шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларидан тегишли тиббий хулосалар ва шу ҳолатни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар тақдим этишлари мумкин. Жазони ижро этиш муассасаларидан суд ҳукми билан озод қилинган шахслар эса озод қилинганликлари тўғрисида маълумотнома тақдим этадилар. Зарурати бўлганда меҳнат бўлими шахснинг қаромоғидагилар тўғрисида, даромадлари йўқлиги ва бошқа ҳоллар ҳақида ҳужжатлар талаб этиши мумкин.

Иш қидираётган ҳар бир одамга меҳнат бўлимида рўйхатга олинганидан кейин корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан тасдиқланган мавжуд бўш иш ўринлари орасидан, янги иш жойига транспортда бориш ёки таълим учун мосроқ келадиган йўналиш бўлишини инобатга олган ҳолда

мақбул келадиган иш таклиф этилиши керак.

### Куйидагилар мақбул келадиган иш деб ҳисобланади:

- биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахслар учун – ишсиз ходимнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган ҳар қандай иш, шу жумладан вақтинчалик иш;
- ишдан ва иш ҳақидан маҳрум бўлган шахслар учун – уларнинг касб тайёргарлигига мос бўлган, ёшини, соғлиғи ҳолатини, меҳнат стажини ва аввалги мутахассислиги бўйича таърибасини, янги иш жойининг транспортда қатнаш жиҳатидан қулайлигини инобатга олувчи иш.

### Куйидагилар мақбул келадиган иш деб ҳисобланиши мумкин эмас:

- агар яшаш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлса;
- таклиф этилган иш доимий яшаш жойидан анча узоқ бўлса ва транспортда қатнаш жиҳатдан қулай бўлмаса;
- таклиф қилинган ишда иш ҳақи шу мутахассислик ва касб учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлса;
- ишни рад этиш бошқа узрли сабаблар билан асосланган бўлса.

**МКнинг 61 ва 63-моддалари.**

Ишсиз шахсга таклиф этиладиган иш ҳамда ишга жойлашиш учун унга йўлланма бериш миқдори, даврийлиги ва муддатлари чекланмайди. Битта ишни икки марта таклиф этишга, шунингдек корхонанинг бўш иш ўрни (лавозим) борлиги тасдиқланмаган ахборотга асосланган ишни таклиф этишга йўл қўйилмайди. Бироқ шахс рўйхатга олинган пайтдан бошлаб **ўн кун** ичида ўзига таклиф қилинган мақбул келадиган ишни икки марта рад этган тақдирда у иш қидираётган деб эътироф этилмайди ва таклиф қилинган ишни рад этган пайтдан бошлаб 30 календарь кун ўтганидан кейингина ишсиз сифатида такроран рўйхатга олинши ҳуқуқига эгадир (**МКнинг 62-моддаси**).

**Шахс иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан 11-кундан** кечиктирмай, рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки 10 кун ичида унга мақбул келадиган иш таклиф этилмаган ёки мазкур шахс меҳнат органининг йўлланмаси билан корхонага борганда ишга жойлашиши рад этилган бўлса, **ишсиз деб эътироф этиш ҳақидаги қарор** қабул қилинади.

### Куйидагилар:

- иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичида таклиф этилган мақбул ишни икки марта рад этган фуқаролар;
- худди шу муддат ичида мақбул келадиган ишга таклиф олиш учун узрли сабабларга кўра меҳнат органига (қишлоқ жойларда туман меҳнат бўлимининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган ходими ҳузурига) учрашмаган фуқаролар;
- қайси турдалигидан қатъи назар, ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар, таълимнинг сиртки шаклда ўқийдиганлар бундан мустасно;
- ёши ва оладиган пенсия туридан қатъи назар, ногиронлар ва пенсионерлар, шунингдек пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқи кучга кирган шахслар, гарчи улар пенсияни расмийлаштирмаган бўлсалар ҳам;
- боласи икки ёшга тўлгунга қадар унинг парвариши билан машғул ишламаётган аёллар;

• ишни ўзгартириш истагидаги, аммо рўйхатга олиш пайтида ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, муайян корхонада ишлаётган ёки мазкур корхона штатида турган фуқаролар;

• суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этмаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар;

• фермер хўжалиқларининг раҳбарлари ва аъзолари (улар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хўжалик китобида фермер

хўжалиги таркибида ёки фермер хўжалиги тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган тақдирда), шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркор сифатида давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олинган шахслар;

• ҳақиқатда деҳқон хўжалигини юритаётган ҳамда деҳқон хўжалиқлари аъзолари сифатида Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб келадиган деҳқон хўжалиқлари аъзолари **ишсиз деб эътироф этилиши мумкин эмас.**

## ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ

Иш қидираётган шахсни ишсиз деб эътироф этиш ҳақидаги қарор меҳнат бўлимининг буйруғи билан расмийлаштирилади, мазкур буйруқ айни бир вақтда ишсизлик нафақасини тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳисобланади. Ёши 35 га тўлмаган ва қара-

моғида камида учта боқувчиси бўлган ишсиз эракаларга ишсизлик нафақаси улар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этганлари тақдирдагина тўланади.

Нафақанинг миқдори кейинги 12 ой юзасидан ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақи нисбатан фоизларда белгиланади.

### Ишсизлик нафақаси миқдори

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун, агар ишдан маҳрум бўлган пайтдан эътиборан 12 ойдан ортик муддат ўтмаган бўлса	- нафақа тўлаш муддатига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган ва мазкур нафақа тайинланган ойда мамлакатимизда қарор топган ўртача иш ҳақидан ортик бўлмаган миқдорда. Охириги иш жойида тўланади
Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган, оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб шахслар учун, агар улар илгари (муддатли ҳарбий хизматга қақирилгунга қадар): - ишламаган бўлса, - муддатли ҳарбий хизматга қақирилиш олдидан ишлаган бўлса - ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб шахслар учун, шунингдек ҳарбий хизматдан, ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизмати органларидан бўшатиш билан генераллар, офицерлар ва прапоршчиклар учун (агар улар ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлмаса)	- энг кам иш ҳақининг бир қарраси миқдоридан; - ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган ва мазкур нафақа тайинланган ойда мамлакатимизда қарор топган ўртача иш ҳақидан ортик бўлмаган миқдорда, агар ишдаги танаффус муддатли ҳарбий хизмат муҳлатини истисно этганда 12 ойдан ошмаса; - пул таъминотининг 50 фоизи миқдоридан, аммо энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган ҳамда нафақа тайинланган ойда мамлакатимизда қарор топган ўртача ойлик иш ҳақидан кўп бўлмаган миқдорда
Илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахслар учун	- ишсизлик нафақаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ( <i>бундан буён матнда МАИМКВ деб юритилади</i> ) томонидан энг кам ойлик иш ҳақига фоиз нисбатида, аммо энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади*
Узоқ (12 ойдан ортик) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳаракат қилаётган шахслар учун: - агар мутахассислиги бўлса, шунингдек охириги 12 ой мобайнида ҳақ тўланадиган иш камидан ўн икки календарь ҳафтани ташкил этган шахслар учун, башарти уларни ишга жойлаштириш касб борасида қайта таълимдан ўтишни ва малака оширишни талаб этмаса - агар мутахассислиги бўлмаса, шунингдек охириги 12 ой мобайнида ҳақ тўланадиган иш ўн икки календарь ҳафтадан камроқ муддатни ташкил этса	- ишсизлик нафақаси МАИМКВ томонидан энг кам ойлик иш ҳақига фоиз нисбатида, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдоридан белгиланади; - қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдоридан белгиланади
Ишсиз деб эътироф этилган шахслар учун, улар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда касб тайёргарлигини, қайта тайёргарлигини ўташни ва малака оширишни тугаллаганларидан кейин, меҳнат бўлими йўлланмаси билан касб тайёргарлигидан ўтган шахслар бундан мустасно	- ишсизлик нафақаси МАИМКВ томонидан энг кам ойлик иш ҳақига фоиз нисбатида, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади

\*Ишсизлик нафақаси миқдори МАИМКВ томонидан ҳар йили, Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармасининг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.


Ишсизлик нафақасини тўлаш Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз шахснинг яшаш жойидаги Халқ банки муассасалари томонидан ойда бир марта, одатда, жорий ойнинг 1 – 5-кунлари амалга оширилади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан: ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортик) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта

бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта; илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календарь ҳафта тўланади («Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси).

**Мария ТУХТАРОВА,**  
**«Норма» МЧЖ юристи.**

Давоми бор.



# top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 30 (211) 2009 йил 27 июль



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги  
омбордан сотилади

pr\_8-01-01

Тўлов – исталган  
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонли Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

## МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб  
офис  
тиббиёт  
металл каркасида  
ошхона буюртмага



pr\_9-01-01

тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

## КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ

ТАНЛОВИНГИЗГА КўРА...  
ШКАФЛАР, КУПЕ ШКАФЛАР,  
ГАРДЕРОБЛАР, ОШХОНАЛАР  
МЕБЕЛИ, ЁТОҚХОНАЛАР  
МЕБЕЛИ, ОФИС МЕБЕЛИ,  
МДФ ЭШИКЛАР



буюртмага тайёрлаш  
Т.: 746-80-72  
127-80-72

## ХАЛҚАРО ҚАЙТА ҚўНГИРОҚ ҚИЛИШ

Ўзбекистондаги мобил алоқанинг энг йирик оператори МТС-Ўзбекистон «Менга қайта қўнғироқ қилинг» хизматининг функционали кенгайганини маълум қилади.

2009 йил 15 июлдан бошлаб МТС-Ўзбекистон компанияси «Менга қайта қўнғироқ қилинг» хизматининг имкониятларини кенгайтди. Энди унинг абонентлари ушбу хизматдан фойдаланиб, Россия ва Қозоғистон уяли алоқасининг исталган оператори абонентига қайта қўнғироқ қилиш илтимоси билан сўровни тез ва осон юборишлари мумкин.

Хизматдан фойдаланиш учун абонентлар \*110\*7XXXXXXX #форматида (бунда 7XXXXXXX – сўров юбориладиган абонент рақами) USSD-буйруқ юборишлари ва чақириш тугмасини босишлари зарур. Сўров муваффақиятли юборилганидан кейин (қиймати 0,05\$) сўралган абонент юборувчи рақамига қайта қўнғироқ қилиш илтимоси ўрин олган «Abonent +998XXXXXXX prosit vas perezvonit;» sms-хабарини олади (бунда +998XXXXXXX – сўров юборилган телефон рақами).

Ўз навбатида юборувчи рақамига танланган абонетга сўров муваффақиятли юборилганини маълум қилувчи «Soobshenie na +7XXXXXXX dostavleno» sms-хабар келади.

«Менга қайта қўнғироқ қилинг» хизматининг қўшимча янги имкониятлари туфайли Россия ва Қозоғистондаги яқинларингиз ва дўстларингиз билан мобил мулоқот янада қулай ва ҳамёнбоп бўлди.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Андижон филиали 2009 йил 29 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган Аукцион савдосига кўйилган, Асака шаҳар СИБ томонидан, Андижон вилоят хўжалик судининг 01.12.2008 йилдаги 17-0811-8177-сонли ижро варақасига асосан, Асака шаҳар «Намуна» МЧЖга тегишли бўлган, Асака шаҳар Сахийлик кўчасида жойлашган, «Тозалов бўлими» бино иншоотлари, умумий қурилиш майдони – 2 939,55 кв. м, умумий фойдаланиш майдони – 922,09 кв. м, бошланғич баҳоси – 68 390 000 сўм бўлган кўчмас мулк, Суд ижрочилари Асака шаҳар бўлимнинг 17 июль 2009 йилги 17/03-192/2-хатига асосан, ушбу мулк бўйича Аукцион савдоси вақтинчалик тўхтатилганини маълум қилади.

Телефонлар: (8374) 224-25-98, 224-23-84.

Лицензия: 000003 ДВ 001 26.03.2003 й.

Бўлгуси такдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «Норма маслаҳатчи» тахририятининг реклама хизматига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

## «БЕНЗОД YUM» ХК

2000 дан  
ортиқ номдаги  
товарлар

Канцелярия  
ва хўжалик  
товарлари

Улгурчи ва  
чакана савдо



Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod\_yum@mail.ru  
Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

## ПУЛ ЎТКАЗУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЧЕГИРМАЛАР!

### АВИАКАССА

Тўлов ўзр МБ КУРСИ БЎЙИЧА.

Шунингдек оилалилар, пенсионерлар, талабалар учун! Илк бор учувчилар учун! 40 ёшдан ошганлар, ҳарбийлар ва собиқ ҳарбий хизматчилар учун ЧЕГИРМАЛАР!!!

БИЗДА ЧИПТАЛАР БОШҚАЛРНИКИДАН АРЗОН! ИШОНМАЙСИЗМИ? ҚўНГИРОҚ ҚИЛИБ, БУНГА ИШОНЧ ХОСИЛ ҚИЛИНГ!  
Т. 237-47-70, 267-68-68, 267-80-50.

ТОШКЕНТ, МУСТАҚИЛЛИК, 86А (СОБИҚ ПУШКИН) МЎЛЖАЛ «Х. ОЛИМЖОН» М. «KORZINKA.UZ» СУПЕРМАРКЕТИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙўЛЛАРИ» РЕЙСЛАРИГА У ЕРГА/У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EUR га):

• МОСКВА - 207 / 375	• ЕКАТЕРИНБУРГ - 228 / 437	• БИШКЕК - 129 / 234	• САМАРА - 201 / 345
• С.-ПЕТЕРБУРГ - 239 / 460	• НОВОСИБИРСК - 207 / 375	• МИНВОДИ - 182 / 345	• ҚОЗОН - 201 / 383
• СИМФЕРОПОЛЬ - 220 / 410	• КРАСНОЯРСК - 196 / 374	• АЛМАТИ - 131 / 239	• БОКУ - 206 / 377
• РОСТОВ-ДОН - 199 / 380	• КРАСНОДАР - 201 / 383		

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙўЛЛАРИ» РЕЙСЛАРИГА У ЕРГА / У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EUR га):

• ШАРДЖА - 481, ВИЗА	• БАНГКОК - 494	• УФА - 490	• ИСТАНБУЛ - 448
• УРУМЧИ - 270, ВИЗА	• ЛОНДОН - 568	• ФРАНКОФУРТ - 604	• ПЕКИН - 518

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙўЛЛАРИ» РЕЙСЛАРИГА «GREEN CARD» ТАЛАБАЛИК ВА МЕХМОЛДОРЧИЛИК ВИЗАЛАРИ, ДЯЖ БЎЙИЧА НЬЮ-ЙОРККА (EUR га) УЧУВЧИЛАРГА МАХСУС ЧЕГИРМАЛАР

У ЕРГА ВА ОРҚАГА 1 ОЙ - 960, 3 ОЙ - 1027  
4 ОЙ - 1088, ПЕНСИОН - 908, ОИЛАЛИ - 894  
ОИЛАЛИ (2-12 Ёшли БОЛА) - 620, У ЕРГА КАТТАЛАРГА - 653  
2-12 Ёшли БОЛАГА - 349, ЁШЛАРГА - 615.

«АЭРОФЛОТ», «AIR BAL TIC» РЕЙСЛАРИГА У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EUR га):

• КАЛИНИНГРАД 199/360	• МУРМАНСК 252/425	• ЕРЕВАН 225/380	• МИНСК 196/386
• ВЛАДИВОСТОК 410/650	• ВИЛЬНОС 217/430	• ИРКУТСК 252/420	• ОДЕССА 192/-
• С.-ПЕТЕРБУРГ 201/388;	• ТБИЛИСИ, 217/436	• ТАЛЛИНН 217/426	

«АЭРОФЛОТ», «AIR BAL TIC» РЕЙСЛАРИГА У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EUR га):

• МЮНХЕН - 340	• ПАРИЖ - 400	• БАРСЕЛОНА - 380	• ОСЛО - 440	• КАРЛОВИ ВАРИ - 440
• МАДРИД - 380	• СОФИЯ - 440	• ВАРШАВА - 440	• КОХИРА - 475	• НЬЮ-ЙОРК (3 ўРИН) - 775
• БЕЛГРАД - 440	• ПРАГА - 375	• АНТАЛИЯ - 554, ЁШЛАРГА - 496	• ДЮССЕЛЬДОРФ - 345	

«АЭРОФЛОТ», «AIR BAL TIC» РЕЙСЛАРИГА У ЕРГА ВА ОРҚАГА (EUR га):

• СТОКГОЛЬМ - 189/374	• БЕРЛИН - 189/379	• БАХРАЙН, САНАА, КУВАЙТ, ЖИДДА, ОММОН, ДАМАШК, БАЙРУТ, ПРИШТИНА, БУДАПЕШТ - 505/651
• АМСТЕРДАМ - 189/386	• ГАМБУРГ - 189/371	• ЛИССАБОН, БРЮССЕЛЬ, ЖЕНЕВА, ШТУТГАРТ, ВЕНА - 493/700
• САН-ПАУЛО - 1165/1185	• ЦЮРИХ - 189/386	
• ЧИКАГО - 820/1030	• ЛОНДОН - 189/419	

«АЭРОФЛОТ», «AIR BAL TIC» РЕЙСЛАРИГА У ЕРГА (EUR га): ШАНХАЙ, ГОНКОНГ, СИНГАПУР - 891.

«TURKISH AIRLINES» РЕЙСЛАРИГА ЧЕГИРМАЛАР

талабалар, ўқитувчилар, ногиронлар, ёшларга (ҳужжатлар мавжуд бўлса).

ТОШКЕНТ - ПРАГА - ТОШКЕНТ 815 \$

ДИҚҚАТ! ЯНГИЛИК!  
Сизда МДХ ва олис хориж мамлакатларидан Тошкентга ўқиб келувчилар учун Тошкентда чипта ҳақини тўлаш имконияти бор

ТОШКЕНТ - ИСТАНБУЛ - АНТАЛИЯ!

## ANDINOL

ишлаб чиқарувчисидан мойлаш материаллари

• Роликлар ёни ва ҳалқалар бортининг ишқаланувчи юзалари едирилишининг олдини олади

• Механизмлар тебраниши ва сирпанишида ишқаланиш узелларида қўлланади

• Занглашдан ишончли ҳимоя



H5057

Ўзбекистон, Тошкент ш., Қибрай кўч., 92  
тел./факс: (+99871) 150-11-77, 268-88-61. E-mail:tashkent@ak.uz

«top. Товарлар  
ва хизматлар бизнес панорамаси»  
руқни «Premier-press» реклама агентлиги томонидан  
тайёрланди.  
Тел.: 237-51-33, 237-47-20, 237-47-05.

## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz

